

## Тақиллатилган эшик албатта очилади



13:30 / 02.04.2021 2249

*«Илм – ҳар доим очик эшикка ўхшайди, унга кириш ҳар бир инсоннинг ўз ихтиёрига боғлиқ».*

### **Шайх Абдулвоҳид Яҳё**

Абдулвоҳид Яҳё (Рене Жан-Мари-Жозеф Генон) (1886 – 1951) – француз файласуфи, метафизика, анъанавийлик, рамзийлик ва иниция бўйича асарлар муаллифи. Интеграл анъанавийликнинг асосчиси ҳисобланади.

XIX асрнинг охири чорагида Франциянинг Блуа шаҳарчасидаги католик ақийдаларига қаттиқ риоя қилувчи архитектор оиласида дунёга келган Рене католикларнинг Нотре Дам дез Эд мактабида илк илм таҳсилани олди. 1902 йилдан Огюстен-Тьерри коллежида ўқишни давом эттириб, бакалавр даражасига эришди. 1904 йили у Парижга кўчиб ўтиб, у ерда математикани ўрганиш учун Роллен коллежига ўқишга кирди.

1906 йили ўн тўққиз ёшли Генон оккултист (инсонда ва коинотда, умуман, дунёда сирли, яширин кучлар мавжудлигини эътироф этувчи, тафаккурга зид таълимот билан шуғулланувчи) Жерар Энкоуссе (Папус) билан учрашди ва мартинистлар орденига аъзо бўлди, аммо тез орада уни тарк этди. Папус ва унинг издошларининг окултизм билан шуғулланиши унга бекорчи ва мантиқсиз иш бўлиб туюлди. Сектантларнинг ақийдаларидан ҳафсаласи пир бўлган Генон «Теософизм; чалкаш дин тарихи» китобида уларни жиддий танқид қилади.

1908 йили масонлар ва спиритуалчилар конгрессида қатнашади, у ерда янги танишлар орттиради, Шарқ фалсафасига оид билимларини кенгайтиради. 1909 йили Генон Палингениус номи билан «Гностик черков»нинг епископи даражасигача кўтарилди. Фалсафа бакалаврияти дипломини олгач, 1904 йили Парижга келиб, математика факультетига ўқишга киради. Тез орада у илмни тарк этиб, Шарқ фалсафасига қизиқа бошлайди.

1910 йили 24 ёшли Генон араб илоҳиётшуноси Абдурроҳман ал-Кабир, швед рассоми Иван Агуели (Абдулходий) ва Леон Чампрено (Абдулҳақ)лар ёрдамида тасаввуф оламини кашф этди. Бу кишилар Рене Генонни ҳол, мақом, қутб каби сўфийлик таълимотлари билан таништиришади.

Исломиё билимларини бойитган Генон 1912 йили мусулмонликни қабул қилиб, Шозилия тариқатига киради. Исмини ҳам ўзгартириб, Абдулвоҳид Яҳё («Ягона хизматкор») номини олади. «Илм талаби – мана ягона мақсад, қолгани эса унинг равнақи учун восита!» деган эди Рене Генон.

1915 йили у фалсафадан дарс ўта бошлайди ва Жазоирда профессор унвонини олади. 1917 йили у Парижга қайтиб келди ва 1924 йилдан 1929 йилгача Цент-Луис коллежида фалсафа бўйича маърузалар қилди.

1930 йил баҳорида шайх Абдулвоҳид Яҳё Мисрга кўчиб кетади ва у ерда умрининг охиригача яшаб қолади. 1934 йили мисрлик шайх Муҳаммад Иброҳим билан танишади ва унинг тўнғич қизи Фотимага уйланади. Мисрда яшагани, Илом динини қабул қилганига қарамай Европада китоблари ва мақолаларини чоп эттиргизиб туради. Ҳатто 1920 йили католикларнинг «Регнабит» деган журналида Луи Шарбонно-Лассэ билан ҳаммуаллифликдаги мақоласи эълон қилинган эди. Шайх Абдулвоҳид Яҳёнинг тарғиб этаётган концепсиялари Европа зиёлилари орасида ўз тарафдорларини топа бошлайди. Натижада Мишель Вальзан, Фритьоф Шуон, Титус Букхардт, Гвидода, Жоржа, Юлиус Эвола, Марко Паллис, Рене Алляр, Андре Про, Пробст-Бирабэн ва бошқалар унинг шогирд ва издошларига айланишади.

Бундан ташқари, шайх Абдулвоҳид Яҳёнинг кўплаб зиёлиларга катта таъсири бўлган, булар қаторида Гвидо де Жоржио, Юлиус Эвола, Мирча Элиаде, Андре Жид, Фритьоф Шуон, Титус Буркхардт, Александр Дугин, Гейдар Жемал, Серафим (Роуз), Авигдор Эскинларни санаб ўтиш мумкин.

Шайх Абдулвоҳид Яҳё илм талаби ҳар доим очиқ эшикка ўхшаши, унга кириш ҳар бир инсоннинг ихтиёрига боғлиқ эканини уқтириб, «Кимда ким бир эшикни астойдил тақиллатса, у эшик албатта очилади», дер эди.

1948 йили шайх Абдулвоҳид Яҳё Миср фуқаролигини олади. Лекин уни доим қийнаб келадиган хасталик сабабли соғлиги оғирлашиб бораверади. 1950 йили шифокорлар унинг қони заҳарланган деб ташхис қўйишади. 1951 йил 7 январда шайх Абдулвоҳид Яҳё тилдан қолади, фақат ҳар замонда араб тилида «Ан-нафс ҳаллас» дер эди. Шу куни тунда у омонатини топширади. Унинг охирги сўзи «Аллоҳ, Аллоҳ» калимаси бўлди.

***«Ҳилол» журналининг 3(24) сонидан олинди***